

Нуриддинов Э.Э. - ТМИ, И-3 магистри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолияти назоратини ташкил этиш босқичлари ёритилган. Шунингдек суғурта фаолияти назоратини янада такомиллаштириш учун бир қанча ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар кўрсатиб ўтилган.

Аннотация. В данной статье изложены этапы организации контроля страховой деятельности в Республике Узбекистан. Показано также несколько задач, которые необходимо решить для дальнейшего улучшения контроля страховой деятельности.

Annotation. This article outlines the steps for organizing the control of insurance activities in the Republic of Uzbekistan. It also shows several tasks that need to be solved to further improve the control of insurance activities.

Калит сўзлар: суғурта бозори, суғурта назорати, потенциал суғурталанувчилар, суғурта маҳсулот, суғурта товони, суғурта мукофоти

Ключевые слова: страховой рынок, страховой контроль, потенциальные страховщики, страховой продукт, страховая премия

Key words: insurance market, innovative service, potential insurers, insurance product, insurance premium.

Кириш. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта бозорида рақобат муҳитини яратиш, унинг суғурта компаниялари фаолияти ривожига ижобий таъсир этишини таъминлаш, рақобат шароитида суғурталанувчи ва потенциал суғурталанувчилар учун суғурта компаниялари томонидан ҳам сифатли, ҳам арзон нархдаги, шунингдек, қулай шартлардаги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Сўнгги пайтларда аҳолининг ўз ижтимоий аҳволи, мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишга интилиши ҳамда даромадлилик даражасининг кўтарилиши суғурта соҳасида фаолият юритиш истагидаги юридик шахсларнинг ташкил топишига, рақобатбардош суғурта хизматларининг яратилишига замин яратмоқда.

Мамлакат Хукумати томонидан олиб борилаётган суғурта фаолиятини тартибга солиш сиёсати суғурта бозори жадал ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратмоқда.

Бизга маълумки суғурта ташкилотларининг фаолияти бошқа хўжалик

юритувчи субъектлар фаолиятидан кескин фарқ қилади. Чунки улар ишлаб чиқаришни узлуксизлигини таъминлаш ва суғурта ходисалари рўй берганда етказилган зрарни қоплаш учун хизмат қилади. Бу ҳолат суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилишни тақазо этади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг барчасида суғурта бозори давлатнинг ваколатли органи томонидан тартибга солинади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Суғуртанинг молиявий бозор муносабатлари тизимидаги асосий тушунчалари моҳиятини англамасдан туриб суғурта секторининг муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш масаласига нисбатан оқилона ёндашиб бўлмайди. Шулардан энг муҳимлари жумласига, қуйидаги асосий тушунчалар киради: суғурта, суғурта фаолияти, суғурта таваккалчилиги (суғурта хавфи)¹, суғурта бозори, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари. Ушбу тушунчалар, одатда, суғурта фаолиятини тушунишга йўл очиб беради. Уларнинг талқини эса суғурта ташкилотларининг фаолиятини тартибга солувчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2002-йил 5-апрелда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ “Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади”.

Россиялик иқтисодчи олим Шахов В.В. қуйидаги таърифни беради: “Суғурта – бу унинг қатнашчилари ўртасида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган мақсадли суғурта фондларини бадаллар ҳисобидан шакллантириш билан боғлиқ бўлган қайта тақсимлаш муносабатлари йиғиндиси.”[3]

Суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тўлиқроқ очиб бериш учун илмий адабиётларда бу масалага бўлган ёндашувларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Уларда «суғурта-хизмат кўрсатиш индустрияси»² эканлиги қайд этилган, шунга асосланиб, кейинги йилларда халқаро иқтисодий атамашуносликда «хизматлар иқтисодиёти назарияси» қарор топаётганлигини таъкидлаш мумкин.

Тадқиқот методологияси

¹ Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунида “таваккалчилик”, Фуқаролик Кодексида “хавф” тушунчалари ишлатилган. Халқаро суғурта соҳасида эса “риск” атамаси қўлланилади.

² Қаранг: Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. p. 1 b. 3.

Тадқиқот ишида умумметодологик усуллардан - кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш ва таққослаш каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва суғурта компанияларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида суғурталовчилар учун устав капиталининг энг кам миқдорлари белгиланади.

Суғурта ташкилотларининг устав капитали миқдори давр талабидан келиб чиқиб, йиллар мобайнида ўзгариб келган. Ўлчов бирлиги 2007-2009 йилларда АҚШ долларида, 2010-2017 йилларда минг евро эквиваленти ва 2018 йилдан эса миллиард сўм ҳисобида белгиланган.

1-жадвал

Ўзбекистонда суғурта компаниялари устав фондининг минимал миқдорига қўйилган талаблар³

Суғурта фаолияти турлари	01.01.200 8 йилдан, минг АҚШ доллари	01.01.20 10 йилдан, минг эвро эквивале нтида	01.07.2012 йилдан, минг евро эквивален тида	01.07.2014 йилдан, минг евро эквивален тида	01.07.2018 йилдан, миллиард сўм
Умумий суғурта	500	750	1125	1500	7,5
Ҳаёт суғуртаси	750	1000	1500	2000	10
Мажбурий суғурта	1000	1500	2250	3000	15
Қайта суғурта (фаолият фақат қайта суғурта бўлса)	3000	3000	4000	5000	30

1-жадвал маълумотида кўра 1 июль 2018 йилдан бошлаб, умумий суғурта фаолияти билан шуғулланадиган суғурта компаниялари устав фондининг минимал миқдори 7,5 миллиард сўм, ҳаёт суғуртаси фаолияти билан шуғулланадиган суғурта компаниялари устав фондининг минимал миқдори 10

³Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари асосида белгиланади, охириги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги ПФ-5197-сонли [Фармони](#)

миллиард сўм, мажбурий суғурта фаолияти билан шуғулланадиган суғурта компаниялари устав фондининг минимал миқдори 15 миллиард сўм, қайта суғурта (фаолият фақат қайта суғурта бўлса) 30 миллиард сўм этиб белгиланди.

Давлат суғурта назоратининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш;

Суғурта бозорида тенглик ва рақобатни таъминлаш;

Суғурта хизматларидан фойдаланувчиларни ҳақ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

Суғурта бозорини ривожланишида кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилувчи махсус ваколатли давлат органи этиб тайинланган.[2] Мазкур функцияларни амалга оширишни таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги ҳузурида Суғурта назорати давлат инспекцияси ташкил қилинган⁴.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта ташкилотлари фаолияти устидан назорат барча суғурта муносабатлари катнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.[3]

Суғурта фаолиятини назорат қилиш миллий тизимида назоратни амалга оширишнинг уч босқичига ажратиш мумкин.[4]

Биринчи босқич суғурталовчи ва суғурта брокерларнинг суғурта фаолиятини лицензиялаш тартиб-таомилини ўз ичига олади. Лицензияни бериш вақтида қуйидаги масалалар ўрганилади:

- лицензия талабгори (лицензиат)нинг раҳбари ва бош бухгалтери суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган малака талабларига мувофиқ бўлишлари керак;

- суғурталовчининг устав фонди энг кам миқдор талабига мувофиқ шакллантирилганлиги;

- лицензияланадиган суғурта классификацияси бўйича бизнес-режани ўз ичига оладиган суғурта фаолиятининг иқтисодий асослари;

- суғурталашнинг лицензия талаб қилинадиган турлари бўйича қоидалар (шартлар).

Иккинчи босқич суғурталовчилар фаолияти устидан назоратни, хусусан, компаниянинг тўлов қобилиятини таъминлаш, суғурта захираларини

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сонли “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 1-банди.

шакллантириш, активларни қайтарилиш, фойдалилик ликвидлилик ва диверсификация принциплари асосида жойлаштириш билан ботиғ суғурта ҳамда молия фаолияти устидан назоратни ўз ичига олади. Мазкур тартиб-таомил назорат килувчи орган томонидан ҳам, мустақил актуарийлар ва аудиторлар томонидан ҳам амалга оширилади.

Молия вазирлиги суғурталовчилар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилаётгани устидан жорий назоратни суғурталовчиларҳар ойда ҳамда вазирликнинг талабига кўра тақдим этадиган ҳисоботлар ва маълумотларни масофадан ўрганиш (“камерал текширув”) орқали амалга оширади.

Ҳисобот билан бирга қуйидагилар тақдим қилинади:

-тўлов қобиляти маржаси етарлилиги, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича ҳисоб-китоблар;

-активлар таркиби, шунингдек алоҳида рисклар бўйича мажбуриятларнинг чегаравий миқдорига ва суғурталовчи мажбуриятларининг ялпи миқдорига доир талаблар ҳамда суғурталовчининг активларини жойлаштириш, қайта суғурталаш операциялари бўйича талабларга риоя этиш тўғрисида маълумот;

-суғурта захираларининг умумий миқдори тўғрисида маълумот.

Шунингдек суғурталовчилар ҳар йили аудиторлик текширувидан ўтиши шарт ва бир йилда камида бир марта актуар хизматлари кўрсатиш учун актуар ташкилотни жалб қилади⁵.

Актуар хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ, суғурталовчилар йилига бир марта ҳар бир молия йили тугаганидан кейин олти ой давомида молия йилидаги фаолият якунлари бўйича актуар текширувини амалга ошириш учун актуар ташкилотни жалб этишлари шарт. Актуар текширувини амалга ошириш натижалари бўйича актуар ташкилот томонидан актуар ҳисоботи тузилади, ҳамда амалга оширилаётган суғурта ва инвестиция операцияларининг хавфлилик даражаси, суғурталовчининг молиявий ҳолати бўйича актуар хулосаси чиқарилади.

Молиявий назоратнинг ошкоралиги таъминлиги амал қилган ҳолда суғурталовчилар йиллик молиявий ҳисоботни мажбурий аудиторлик текшируви тугаганидан сўнг ўн беш кун ичида, бироқ ҳисобот йилидаи кейинги йилнинг биринчи май кунидан кечиктирмасдан, узининг расмий веб-сайтида ҳамда республиканинг молия-иқтисодий йуналишдаги босма нашрларида эълон қилади.

Суғурталовчилар томонидан эълон қилинадиган молиявий ҳисобот

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 11-модда

суғурталовчиларнинг йиллик молиявий ҳисоботлари шакллари, ҳисобот йилида суғурталовчи фаолиятининг якуний натижаларига таъсир кўрсатган асосий омиллар баён этилган тушунтириш хатини ҳамда мажбурий аудиторлик текшируви натижалари асосида тузилган аудиторлик хулосасини ўз ичига олади.

Суғурталовчилар фаолияти устидан назоратни амалга оширишнинг учинчи босқичи компаниялар фаолияти текширувларини жойларда ўтказишни ўз ичига олади. Мазкур текширувлар ҳам режа асосида, ҳам режадан ташқари ўтказилиши мумкин. Бунинг учун Республика назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг текширув ўтказиш учун рухсатини олиш ва суғурталовчини текширув ўтказишдан камида ўттиз календарь куни олдин, текширувни ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда хабардор қилиш шарт.

Режа асосидаги текширув доирасида қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

- суғурталовчи фаолиятининг ҳаққонийлиги ва у томонидан амалга оширилган фаолият турларининг қонун ҳужжатларига мос келишини текшириш;

- суғурталовчи томонидан лицензия талабларининг бажарилишини текшириш;

- суғурта хизмати турлари бўйича тузилган суғурта (кайта суғурта қилиш) шартномаларининг ва ушбу шартномалар бўйича амалга оширилган операцияларнинг Ўзбекистан Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистан Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мос келишини текшириш;

- суғурта хизмати турлари бўйича суғурта портфелининг таҳлили ҳамда суғурта тарифларини белгиланиши ва суғурта мукофотларини ҳисобланиши, тўланиши тўғрилигини текшириш;

- суғурталовчида қатъий ҳисобда турадиган суғурта фаолияти билан борлиқ бўлган ҳужжатлар бланкларининг (суғурта полислари, гувоҳномалари ва бошқалар) ҳисобини текшириш;

- суғурталовчи томонидан тўлов қобилияти нормативларининг бажарилишини ҳамда тўлов қобилияти нормативлари бўйича ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини текшириш;

- суғурталовчи томонидан суғурта захираларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда ҳисобланганлиги, шакллантирилганлиги, жойлаштирилганлиги ва ишлатилганлигини ҳамда суғурта захиралари бўйича ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини текшириш;

- суғурталовчи томонидан барча суғурта турлари бўйича суғурта даъволарининг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда кўриб чиқирилишини, суғурта товонлари ҳисобланиши ва тўланишининг ҳаққонийлиги

ва тўғрилигини ҳамда суғурта товонларини тўлашни рад этишнинг асослилигини текшириш;

-суғурталовчи ва суғурта агентлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳамда бу борадаги фаолиятнинг ҳаққонийлигини ва қонун ҳужжатларига мос келишини текшириш.

Текшириш натижалари бўйича 2 нусхада далолатнома тузилиб, унга заруратга қараб текширилган хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки мансабдор шахсларнинг тушунтириш хатлари, тегишли ҳужжатлар нусхалари илова қилиниб, текшириш далолатномасининг 1 нусхаси текшириш тугаганидан кейин ўн кунлик муддат ичида субъект раҳбарига уни олганлиги тўғрисида имзо билан қолдирилади.

Текшириш давомида қонун бузилиш ҳоллари аниқланган тақдирда, уларни бартараф қилиш бўйича кўрсатмалар берилади. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомда кўзда тутилган ҳолларда эса суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари суғурталовчилар томонидан бузилганлиги учун уларга суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоиз миқдоригача жарима солинади.

Бундан ташқари, суғурталовчи (суғурта брокери) лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва амал қилишини тугатиш мумкин.

Суғурталовчилар фаолиятидаги рисклардан эрта огоҳлантириш ва уларнинг банкрот бўлишини олдини олиш тизими жорий этилди ва ҳисобот даврида муваффақиятли ишлади, бу 2017 йилда 2 та суғурта қилувчи ташкилотнинг молиявий муаммоси борлигини аниқлаш ва уларнинг лицензиясини бекор қилиш бўйича чоралар кўриш имконини берди.

Устав капиталида давлат улуши бўлган “Кафолат” ДАСК (149,7 фоиз), “Ўзагросуғурта” ДАСК (133,4 фоиз) каби йирик суғурта компанияларида ҳам, “Hamkor Sug'urta” МЧЖ (198,1 фоиз), “Sug'urta O'z” МЧЖ (184 фоиз), “Gross Insurance” МЧЖ (187 фоиз), “Unipolis” МЧЖ (194,4 фоиз), “Мадад” ОАЖ (203,4%) ва “Alfa Invest” ЁАЖ (188 фоиз) каби нодавлат секторидаги суғурта компанияларида ҳам суғурта бозори ўсишининг юкори кўрсаткичларига эришилди.

Бугунги кунда яратилган замонавий суғурта назорати миллий тизими 60 дан зиёд норматив-ҳукукий ҳужжатга асосланган. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш вақтида Суғурта назоратчилари халқаро уюшмаси (СНХУ)нинг Асосий суғурта қилиш принциплари (АСП) ҳисобга олинган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил

8 сентябрдаги 202-сонли қарорига асосан СНХУ аъзоси ҳисобланади.

2014 йил бошида Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг халқаро экспертлари суғурта фаолияти соҳасидаги миллий қонунчилигимиз СНХУнинг халқаро суғурта принципларига қанчалик мос эканини баҳоладилар. Шунга кўра, Ўзбекистоннинг суғурта қонунчилигига мумкин бўлган 5,00 баҳодан 3,12 баҳо берилди. Республикамизда яқин 2-3 йил давомида амалга оширилиши кўзда тутилган чора-тадбирлар натижасида 4,00 кўрсаткичга эришиш режалаштирилмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Суғурта фаолияти назоратини янада такомиллаштириш учун бир қанча ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар мавжуд:

биринчидан, суғурталовчилар томонидан ахборот такдим қилиниши учун белгиланган бир чоракка тенг муддат давомийлигини қайта кўриб чиқиш. Мазкур давр мобайнида суғурталовчининг молиявий ҳолати сезиларли даражада ёмонлашиши ва назорат қилувчи орган томонидан кўрилган чоралар кам самарали бўлиши мумкин;

иккинчидан, суғурта бозори бўйича маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш механизмини автоматлаштириш вақт ва меҳнат ресурсларини тежаш, самарадорлигини ошириш, шунингдек суғурта бозорининг жорий ҳолатини имкон қадар ҳолисона ва ошқора баҳолаш имконини беради;

учинчидан, суғурталовчилар фаолиятини баҳолашга уларнинг тури, кўламлилиги ва комплекслилигига кўра, суғурта назорати самарадорлигини таъминлаш учун, мавжуд булган захираларни у ёки бу рискларга энг куп мойил сегментларга бирлаштириш, тўплаш йўли билан рискка мўлжал олган ёндашувни жорий этиш лозим.

Умуман олганда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғурта назорати давлат инспекцияси олдида қўйилган вазифаларни бекаму қўст бажариш тараққий топган, замонавий, шаффоф ва рақобатбардош суғурта бозорининг шаклланишига ҳамда мамлакат аҳолисининг суғурта маданиятини ошиши ва барқарор ўсишига кафолатли хизмат қилади.

Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш орқали мамлакатимизда суғурта фаолиятини назорати самарадорлигини янада оширишга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида» Қонуни, 5.04.2002 у.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори
3. Шеннаев Х.М., Очилов И.К., Широнов С.Е., Кенжаев И.Ғ. Суғурта иши, Ўқув қўлланма,-Тошкент «Иқтисод-Молия», -2014.
4. <http://www.mf.uz> - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғурта назорати давлат инспекциясининг йиллик ҳисоботи